

5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
6. Ражабов Қ., Ҳасанов Ф. Ўзбекистон тарихи солномаси. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси». – Тошкент, 2007.
7. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Масъул муҳаррир А.Сабилов. - Тошкент: Академия, 2013.
8. Новейшая история Узбекистана. Руководитель проекта и редактор: М.А.Рахимов. - Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018.
9. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик (лотин алифбоси). Тошкент, 2022.

**«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ» МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШНИНГ
ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ**

Атаджанова С.М.

*т.ф.н., доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Мавзу:	Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви
Маърузани ўқитиш технологияси	
	Вақти: 2 соат
Машғулот шакли	Ахборотли кўргазмали, шарҳли, илғор педтехнологиялар қўлланадиган маъруза
Маърузанинг режаси	1. Тинчликсевар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати асослари ва тамойилларининг шаклланиши. 2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши. 3. МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик. 4. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлиги.
Ўқув машғулотининг мақсади: фактик материаллар асосида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши ва	

халқаро обрў-эътиборини ошиши тўғрисида билимлар пойдеворини шакллантириш ва мустаҳкамлаш.	
Ўқитувчининг вазифалари: • Ўзбекистоннинг тинчликсевар мустақил ташқи сиёсат асослари ва тамойилларини ишлаб чиқилишини ёритиш; • Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ва халқаро кенгашлар уюшма ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисида маълумотлар бериш; • Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлигини чуқурлашиб боришини кўрсатиши; • интеграция жараёнлари-нинг халқаро муносабатларни ривожлантиришдаги ролини ва Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашдаги ўрнини ёритиш.	Ўқув машғулотининг натижалари: Талабалар қуйидаги хулосаларга келиши лозим: • Ўзбекистон ўз тинчликсевар ташқи сиёсатини республика Конституциясида қайд этилган қонун ва тамойиллар асосида юритиши ҳақида гапириб беради; • Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ўз овози ва мавқеига эга бўлган аъзо сифатида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш баробарида энг муҳим ва долзарб масалаларни илгари сураётганлигини ёритади; • МДХнинг ташкил топиши ва Ўзбекистон Республикаси, унинг доирасида амалга ошираётган иқтисодий, илмий-техникавий маданий соҳалардаги ҳамкорлигини баён этади; • аниқ масалалар ёрдамида интеграция жараёнларининг халқаро муносабатларни ривожлантиришдаги роли ва Ўзбекистон ташқи сиёсатида умуминсоний қадриятларга содиқлигини ҳар жиҳатдан асослаб беради ҳамда халқаро терроризмга қарши курашда мамлакатимизнинг ролини кўрсатади.
Ўқитиш методлари ва техникаси	Шарҳли-кўргазмали маъруза намойиш, тезкор сўров, савол-жавоб, тушунтириш “ҳа ва йўқ”, Б/Б/Б техникаси
Ўқитиш воситалари	Лазер проектори, маъруза матни, визуал материаллар, информацион таъминот, тарқатма материал, кўргазмали материаллар, харита.
Ўқитиш шакллари	Оммавий, жамоавий, яқка тартибда

Ўқитиш шарт-шароитлари	Техника воситаларидан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш ва рейтинг асосида баҳолаш.

Мавзунинг технологик харитаси

Босқичлари, вақти	Фаолиятлари	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабанинг фаолияти
1 – қисм. Кириш (5 мин)	1.1. Машғулотнинг мавзуси, мақсади, услубий ва ташкилий томонлари ҳамда ўқув фаолияти натижаларини эълон қилади.	1.1 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
	1.2. Мавзу режаси саволларини ва унга оид асосий адабиётлар рўйхатини экранга чиқариб, уларга қисқача изоҳ беради. (1-илова)	1.2 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
2- қисм. Асосий қисм (65 мин)	2.1. Тарих таълими узвийлиги ва узлуксизлиги тамойилига амал қилган ҳолда талабаларнинг “Ҳуқуқ асослари” фанидан олган билимларига таяниб, фанлараро алоқани ўрнатади. Талабалар диққатини жалб этиш ва уларнинг мавзу бўйича билимларини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказади: 1. Мамлакатимизнинг Асосий Қонунида ташқи сиёсатининг қандай тамойиллари мустаҳкамланган? Унинг моҳияти ва тарихий аҳамияти нимадан иборат? 2. Ўзбекистон ва БМТ алоқалари ҳақида нималарни	2.1 Саволларга жавоб берадилар. Фикрларини билдирадилар.

	биласиз?	
	2.2. Жавобларни тўлдиради, умумлаштиради ва бугунги ўқув машғулотида ушбу саволларга кенгроқ жавоб олишларини айтади.	2.2 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
	2.3. Экранга режанинг 2-3—саволига оид визуал материалларни чиқаради ва уларни шарҳлайди. (2-илова, 1-2-3-слайдлар). Жумладан, БМТ, ЮНЕСКО, ЕХХТ, МДХ, ШХТ билан Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини изоҳлаб ўтади.	2.3 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
	2.4. Мавзунинг 4-саволини ёритишда юртимизнинг хорижий мамлакатлар билан фаол ва кенг кўламли ҳамкорлик ўрнатиш учун ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларини тартибга солишда қуйидаги қонунлар ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилаётганини слайд ёрдамида баён этади. Шу ўринда Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашдаги жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва ролини кўрсатиб ўтади. (3-илова, 1-слайд)	2.4 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
	2.5. Мазкур мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида “Ҳа ва Йўқ” номли дидактик ўйинни қўллайди. Бунинг учун талабаларни 4та кичик гуруҳларга бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўқув топшириқларини беради. (4-илова)	2.5 Гуруҳга бўлинади ва иш натижасини тақдим этади.
	2.6. Талабаларнинг жавобларини таҳлил этиб,	2.6 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.

	айрим аниқликлар киритгач, хулоса қилади.	
	2.7. Ўтилган мавзу бўйича талабалр билимларини янада мустаҳкамлаш учун Б/БХ/Б жадвалини тўлдириш кераклигини айтиб, уни тўлдириш қондасини тушунтиради. (5-илова). Жадвални тўлдириш учун талабаларни алоҳида гуруҳларга бўлади.	2.7 Гуруҳга бўлинади ва ҳар бир гуруҳдан биттадан аъзо адо этилган вазифани тақдим этади.
	2.8. Гуруҳларнинг иш натижасини текшириб, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади ва хулосалар чиқаради.	2.8 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
3 – қисм. Хулоса қисми (10 мин)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради ва мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимларнинг долзарблиги ва аҳамиятли эканини қайд этади ҳамда келажакда ушбу билимлардан қаерларда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	3.1 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
	3.2. Машғулот жараёнида фаол иштирок этган гуруҳлар ва талабаларни алоҳида қайд қилади ва баҳолайди.	3.2 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
	3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун қуйидаги топшириқларни беради: 1. Матнни Инсерт техникаси асосида ўрганиб келиш (6-илова) 2. Мавзуга доир адабиётларни ўрганиш (1-илова) 3. Мавзуга оид тушунча ва атамаларнинг маъно-	3.3 Топшириқларни ёзиб оладилар.

	мазмунини ўрганиш. (7-илова) 4. Мустақил ишлаш учун саволларга жавоб тайёрлаш. (8-илова)	
--	---	--

1-илова

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Тошкент: Ўзбекистон.. 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Тошкент: Ўзбекистон.. 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон маънафаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йилигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
7. Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. –Тошкент: Молия, 2003.
8. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
9. Ражабов.Қ, Ҳасанов.Ф. Ўзбекистон тарихи соҳномаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.
10. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Масъул муҳаррир А.Сабиров. - Тошкент: Академия, 2013.
11. Новейшая история Узбекистана. Руководитель проекта и редактор: М.А.Рахимов. - Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018.
12. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик (лотин алифбоси). Тошкент, 2022.
13. Муртазаева Р.Ҳ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик. Дарслик. - Тошкент: Мумтоз сўз, 2019.

Визуал материаллар

Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши.

БМТ – 2 март 1992 йил
МДХ – 21 декабрь 1991 йил
ЕХХТ – 30 январь 1992 йил
ШХТ – 15 июнь 2001 йил
ЮНЕСКО – 29 октябрь 1993 йил

2-слайд



3-слайд



4-илова

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларни йўлга қўйиши ва ривожлантириши

- Ўзбекистонни 165 давлат тан олди;
- Жаҳоннинг 120 мамлакати билан дипломатик алоқалар ўрнатилди;
- Тошкентда 43 та элчихона, 1та бош консулхона, 9 та фахрий консул, 10 та халқаро ташкилот ваколатхонаси, 5 та халқаро молиявий ташкилот ваколатхонаси, 3 та савдо ваколатхонаси фаолият юритмоқда;
- Ўзбекистон Республикасининг 46 та дипломатик ва консуллик ваколатхонаси чет давлатларда ва халқаро ташкилотлар ҳузурида фаолият юритмоқда.

5-илова

Ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи қонунлар

- “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” (1995-йил).
- Чет эл инвестициялари тўғрисида (1998-йил).
- Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида (1998-йил).
- Банкротлик тўғрисида (1998-йил).
- Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида (2000-йил).

6-илова

“Ҳа” ва “Йўқ” технологияси

№	Саволлар	Ҳа	Йўқ
1.	Халқаро муносабатларда ички миллий қонунлар халқаро ҳуқуқ нормаларидан устунми?		
2.	Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланадими?		
3.	Давлатлар бир-бири билан ўзаро муносабатсиз яшай оладими?		
4.	Урушлар ҳамма даврларда инсонларга кулфат келтирганми?		
5.	Ўзбекистон Кўшилмаслик ҳаракатида қатнашадими?		

6.	Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида иқтисодий омил сиёсий омилдан устиворликка эгами?		
7.	Давлатлараро алоқаларда мамлакат миллий манфаатлари устиворми?		

7-илова

**Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги
Б/БХ/Б жадвали**

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

8-илова

Инсерт жадвали

V	+	-	?

9-илова

Асосий атама ва тушунчалар

1	Халқаро муносабатлар субъекти	8	Кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик
2	Суверенитет	9	Дипломатик алоқа
3	Халқаро конвенциялар	10	Қўшма корхоналар
4	Интеграция	11	Қўшма баёнот
5	Чет эл инвестицияси	12	Геостратегик манфаат
6	Халқаро ҳамкорлик	13	Техникавий хавфсизлик
7	Стратегик шерикчилик	14	Халқаро терроризм

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари ва йўллари қайси расмий ҳужжатларда белгилаб берилган?
2. Ўзбекистон Республикаси ташқи алоқаларини қандай вазирликлар ва муассасалар амалга оширади?
3. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
4. Ўзбекистон бугунга келиб қандай халқаро ташкилотларга аъзо? Унинг Ўзбекистон учун қандай аҳамияти бор?
5. Ўзбекистон ва БМТ алоқалари ҳамда республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши натижалари ҳақида фикрингиз?
6. БМТ нинг сессия ва саммитларидаги Президентимиз Ислом Каримовнинг халқаро жамоатчилик эътиборини жалб этган фикр, мулоҳазалари ва муаммолари ҳақида фикрингиз?
7. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан кенг кўламли ҳамкорлиги ҳақида нималарни биласиз?
8. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари ҳақида фикрингиз?
9. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодига интеграциялашуви деганда нимани тушунасиз?
10. Республика иқтисодига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг маъносини изоҳлаб беринг. Ўзбекистонда қандай йирик кўшма корхоналар бунёд этилган?
11. Ўзбекистон халқаро терроризмга қарши курашда жаҳон ҳамжамиятида қандай роль ўйнамоқда?
12. ШХТнинг Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ижроия қўмитаси қачондан бошлаб фаолият юритмоқда?

РОЛЬ ИНТЕРНЕТ РЕСУРСОВ ПРИ ВЕДЕНИИ НАУЧНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ

Пардаева З.Ж.

*доктор филологических наук, профессор
Джизакский государственный педогогический университет*

В последнее время ведение научного исследования без использования ресурсов Интернета немислимо. Сеть Интернет несёт большой потенциал научно-исследовательского материала. Это и электронная почта, и электронные библиотеки, и поисковые системы,